

**ВИЛОЯТ ҲОКИМИ Ғ. Ғ. МИРЗАЕВнинг
ИЧКИ ИШЛАР ПРОФИЛАКТИКА
ИНСПЕКТОРЛАРИГА ЕНГИЛ
АВТОМОБИЛЛАР ВА ХИЗМАТ УЙ-ЖОЙЛАРИ
БЕРИШ ТАНТАНАСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ**

2017 йил 28 октябрь

Гулистон ш.

**Ассалому алайкум, ҳурматли ички
ишлар ходимлари!**

Азиз тантана қатнашчилари!

Аввало сизларни республикамызда кенг нишонланаётган касб байрамларингиз — ички ишлар ходимлари куни билан чин юракдан самимий табриклайман.

Қолаверса, бугунги тадбиримиз ҳам ҳар бирингизнинг хотирангизда бир умр муҳрланиб қолиши шубҳасиз.

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги “Ички ишлар органлари таянч

пунктлари профилактика инспекторларининг хизмат уй-жойи билан таъминлашга доир кўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2906 – сонли қарори ижроси юзасидан вилоятдаги 50 нафар профилактика инспекторига хизмат уй-жойларининг калитини топширамиз.

Шунинг билан бирга, уларга хизматда фойдаланишлари учун “Матиз” енгил автомашинасининг калитларини берамиз.

Бу тантанали маросим Мустақиллик майдони ҳудудида, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номи билан аталувчи кўчада ўтказилаётганининг рамзий маъноси бор. Чунки Мустақилликка асос солган Биринчи Президентимизнинг ички ишлар соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш бўйича хизматлари беқиёс эди. Бугун бу тизим

мухтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида янги босқичга кўтарилди.

Жумладан, мамлакатимизда ички ишлар органлари тизими фаолияти самарадорлигини замонавий босқичга кўтаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳа ходимларининг иш фаолияти самарали бўлиши учун зарур шарт-шароит яратилмоқда. Хусусан, профилактика инспекторларига хизмат ва яшаш шароитларини яхшилаш, уларни ўзлари хизмат қилаётган ҳудудда уй-жой, автомашиналар билан таъминлаш бўйича кенг кўламли тадбирлар амалга оширилаётир.

Президентимизнинг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя

қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишга замон талабларига жавоб берадиган янги ёндашувлар татбиқ этилаётир.

Жиноятчиликка қарши курашишга жамоатчиликнинг кенг қатламларини жалб қилиш, профилактика инспекторларининг бевосита аҳоли орасида иш олиб боришини ташкил этишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида жиноят ва ҳуқуқбузарликлар камаймоқда.

Бу албатта, юртимиз, халқимиз тинчлиги, осойишталиги йўлида фидокорона хизмат қилаётган, ўзининг бурчини шараф билан ўтаётган Сиз каби фидойи ва ватанпарвар ички ишлар ходимларининг меҳнати эвазига эканлигини яхши биламиз ва ҳар

бирингизга ўзимизнинг ҳурмат ва
эътиборимиз юксаклигини айтамыз.

Ҳурматли ички ишлар ходимлари!

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Яқин кунлар
ичида яна 14 та, 30 ноябргача 131 та уй-
жой қурилиши ниҳоясига етади. Биз
1 декабрга қадар бу ишни амалга
ошириб, калитларини тантанали
равишда сизларга топширамыз. Бунинг
учун барча зарур чора-тадбирлар
белгиланган.

Сизларга юртимиз, халқимиз
хизматини адо этиш йўлидаги
ишларингизга муваффақиятлар,
оилавий тотувлик ва бахт-саодат
тилайман.

**Эътиборларингиз учун катта
рахмат.**